



190

НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2010 yil 29 aprel

Samarqand tumani

720-Q Sonli

Каримов Сабуржонга умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун 0,02 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш ҳақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2010 йил 9 апрелдаги 26-сонли баённомаси, "Мажидов Халил МИХ" фермер хўжалиги раисининг берган розилик хати, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 20 апрелдаги 353-сонли хулосаси, фуқаро Каримов Сабуржоннинг туман ҳокимлигига берган аризаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

Қарор қиламан:

1. Фуқаро Каримов Сабуржонга умумий овқатланиш шахобчаси қуриш учун «Гуллобод-агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 215-контурдан жами 0,02 га (шундан: 0,02 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган дала йўллари ҳисобидан) ер майдони ажратиш ҳақидаги Самарқанд туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2010 йил 9 апрелдаги 26-сонли хулосаси ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Умумий овқатланиш шахобчаси қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси "Шаҳарсозлик кодекси"нинг 8, 9, ва 54-моддаларига амал қилинган ҳолда А.Р.Т лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси С.Каримовга топширилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг "Солиқ кодекси"га асосан ер солиғини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш Бурхонов)га топширилсин.

4. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев